

**МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ МАЪНАВИЙ МЕРОСИГА
РЕТРОСПЕКТИВ ЁНДАШУВ: ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ**

Исақова Замирахон Рухитдиновна
фалсафа фанлари доктори (DSc), и.о. профессор
Наманган давлат университети, Ўзбекистон
тел: +99 891 362 89 37 e-mail: ms.zamiraxonisagova@gmail.com
Хўжамов Юнусбек Аишаф ўғли
Ҳадис илмий олий мактаби II курс талабаси

Аннотация. Мақолада фалсафа тарихи йўналишида тасаввуф таълимотига доир тадқиқотни бошлаб берган ва илк бор Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини илмий асосда ўрганган олим, ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори И.Мўминовнинг “бедилхонлик” фаолияти фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: фалсафа тарихи, тасаввуф, сўфий, ориф, ирфон, И.Мўминов, Бедил, пантеизм, инсон, нафс, ирфон.

**РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ ПОДХОД К ДУХОВНОМУ НАСЛЕДИЮ МИРЗА
АБДУЛКАДИРА БЕДИЛЯ: ФИЛОСОФСКО-
ЭПИСТЕМОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

Исакова Замирахан Рухитдиновна
доктор философских наук (DSc), и.о. профессор
Наманганский государственный университет, Узбекистан
тел: +99 891 362 89 37 эл.почта: ms.zamirakhonisagova@gmail.com
Ходжамов Юнусбек сын Аишафа
Студент II курса Высшей научной школы Хадис, Узбекистан

Аннотация. В статье философски проанализированы деятельность И.Мўминова, положивший начало исследованиям суфизма в направлении истории философии, а также впервые изучивший на научной основе труд Мирза Абдулкадира Бедиля и его “бедилханские” штудирования.

Ключевые слова: история философии, суфизм, суфий, мудрец, ариф, И.Муминов, Бедил, пантеизм, человек, душа, ирфан.

**RETROSPECTIVE APPROACH TO THE SPIRITUAL HERITAGE OF
MIRZA ABDULKADIR BEDIL: PHILOSOPHICAL AND
EPISTEMOLOGICAL ANALYSIS**

Isakova Zamirakhan Rukhitdinovna
Doctor of Philosophy (DSc), acting Professor
Namangan State University, Uzbekistan
tel: +99 891 362 89 37 email: ms.zamirakhonisaqova@gmail.com

Khojamov Yunusbek son of Ashraf
II-year student, Hadith Higher Scientific School, Uzbekistan

Annotation. The article philosophically analyzes the activities of I. Muminov, who laid the foundation for the study of Sufism in the direction of the history of philosophy, as well as for the first time studied on a scientific basis the work of Mirza Abdulkadir Bedil and his “Bedilkhan” studies.

Key words: history of philosophy, Sufism, Sufi, sage, arif, I. Muminov, Bedil, pantheism, man, soul, irfan.

Цивилизациялар тарихи тараққиётнинг олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан кетмай, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ички хусусияти ҳамда ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакрор йўлдан боришини кўрсатмоқда. Инсоният, айниқса, ахборот асрида ижтимоий, маданий, ахлоқий, илмий, маънавий ва интеллектуал сферада туб ўзгаришлар гирдобиди қолди. Инсон интеллект туфайли олам устидан ҳукмронлик ўрнатди. Устунликнинг оқибати техниканинг вужудга келиши ва инсон устидан “доминант”лик қилишига замин яратди.

Ахборотлашган жамиятда “инсон ўзлигини сақлаб қолиши, жамиятни тўлиқ билиши ва бошқара олиши мумкинми?” каби масалалар қайтадан кун тартибига чиқдики, инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамоҳанг бўлган буюк шоир ва мутафаккир, тасаввуф илмининг нуқтадони Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бемисл маънавий мероси, унинг Яратувчи, борлик ва инсон ҳақида илгари сурган ғояларининг мазмун-моҳиятини англаш орқали жамиятда тинчлик, бирдамлик, тотувлик, ҳамкорлик ва динлараро бағрикенгликни қарор топтириш, маданий трансформация жараёнларини тезлаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаш имкони мавжуд. Зеро, мутафаккирнинг “комил сўз”, “комил маъно” ва “комил тафаккур” бирлигининг ифодаси бўлган бебаҳо ижод маҳсули ирфоний тафаккур сарчашмасидир.

Суфиёна адабиётнинг мақсади комиллик, яъни “оддий”ликдан “мураккаб”ликка, “дағал”ликдан “ҳалим”ликка, “қаттиқ”ликдан “юмшоқ”ликка, “нодон”ликдан “оқил”ликка, оддий инсонлик мақомидан “ориф”ликка, “илм”дан “ирфон”га кўтарилиш, камолот касб этишдир.

Мирзо Абдулқодир Бедил комилликка ташна инсон руҳининг чанқоғини қондириш учун хизмат қилганки, мутафаккир башариятни тасаввуфий ғоялар

орқали яхшилик, эзгулик ва гуманизмга чорлаган. Энг муҳими, мутафаккир ижодида тасаввуф, тариқат ва адабиёт омукта бўлиб, ўз даврининг илғор ва элитар жамият мафкуриси сифатида тан олинган накшбандия бу муштаракликнинг ядросини ташкил этган. Мутафаккир асарларида давр билан ҳамнафас бўла оладиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган, ҳалол яшашни ҳаётининг мазмунига айлантирган, комилликка интилиб яшайдиган инсонни “ахлоқий намуна”, “идеал” деб тасвирлаган. Шоирни чин маънода инсонпарварлик куйчиси¹ деб аташ ўринли.

Ҳар бир инсон вақт нуқти назаридан ўз замонасида мавжуд ва муайян вақт оралиғида шу мавжудлик доирасида буюк ишлар қилишга қодир бўлади. Ўтмишни “олтин давр” деб нажот излаш ёки келажакдан умид қилиш эмас, мутафаккир тили билан айтганда, “Инсон мижозиди гул очди билим” деган оқилона ҳикматдан тўғри хулоса чиқарган инсон айна вақтдаги имкониятларни унумли истифода этиш билан билими, хулқи, маънавияти, маърифати, зоҳири ва ботинини гўзал қилишга интилиши лозим.

Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солиб, ижтимоий фанлар ривожига катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби И.М.Мўминов (1908-1974) бой илмий-маънавий мерос қолдирган².

Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий, табиий-илмий тафаккури тарихи, буюк мутафаккирларимизнинг илмий меросини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ва умумлаштириш И.Мўминов тадқиқотларининг асосий йўналишини ташкил этади. Олим Алишер Навоидан тортиб Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилган. Соҳибқирон Амир Темур шахсини илмий ўрганиш, унинг тарихда тутган ўрни ва маданият ривожидидаги хизматларини ҳаққоний баҳолаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари унинг юксак ватанпарварлик фазилати ва илмий жасоратини кўрсатади.

И.М.Мўминов Хоразм тарихи ва фалсафий тафаккурнинг йирик тадқиқотчиси сифатида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-847), Абу Райҳон Беруний (973-1048) каби мутафаккирлар, халқ шоирлари Аваз Ўтар (1884-1919), Хонимжон ойим ижодига ҳам ҳолисона баҳо берган.

И.Мўминов биринчилардан бўлиб тасаввуфни фалсафий таълимот сифатида ўрганиб, Мовароуннаҳрда вужудга келган тасаввуф мактаблари ва

¹ Шомухамедов Ш. Форс-тожик классиклари ижодида гуманизм. – Тошкент, 1968. – Б. 4.

² Мўминов И. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан / Фал.фан.док. дис. ... – Тошкент, 1950; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан. – Тошкент, 1954; Философские взгляды Мирзы Бедилы. – Ташкент 1957; Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Тошкент, 1959; Выдающиеся мыслители Средней Азии. – Москва, 1963; Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Ташкент, 1968; Али Қушчининг бир астрономик трактати ҳақида. – Тошкент, 1969; Темурийлар даври Ўрта Осиё санъатининг пайдо бўлиши ва тараққий этишининг тарихий илдизлари ҳақида. – Самарқанд –Тошкент., 1969; Танларган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент, 1969-1972; Мирзо Бедил дунёқараши. – Тошкент, 1971; Танланган асарлар. 4 жилдлик. – Тошкент, 1976-1977; Мирзо Бедил. – Тошкент, 1974;

уларнинг намояндалари бўлган Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Раҳимбобо Машраб маънавий меросини ўша давр нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, диний-тасаввуфий қарашларининг жамият ҳаётида катта аҳамият касб этганини таъкидлаган³.

И.Мўминовнинг “Абулмаоний” (Маънолар отаси) деб улуғланган ҳиндистонлик шоир ва мутафаккир шеърларида фалсафа ва тасаввуфни бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилган Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) дунёқараши ҳақидаги тадқиқотлари диққатга сазовордир. И.Мўминов Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини чуқур таҳлил этиб, унинг фалсафий-ирфоний меросини янгича англашга йўл очди.

Шарқ адабиёти тарихида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг алоҳида ўрни бор. Шоирнинг дунёқарашида “ваҳдат ул-вужуд”⁴ таълимоти етакчилик қилади. Унингча, олам Аллоҳнинг кўзгуси бўлса, инсон қалби кўзганинг маркази. Инсон қалби қанчалик сайқал топса, Аллоҳнинг нури шунчалик равшан ва порлоқ акс этади. Инсон Аллоҳ яратган мавжудотлар ичида энг шарафлиси ва қудратлисидир. Мирзо Абдулқодир Бедилни қийнаган масала инсоннинг ўзининг шарафли, буюк, қудратли эканини англамаслиги, бўлса керак. Шоир шеърларида инсонга кўп бор мурожаат қилиб, “ҳар нарсада онг-ла асосу нисбат, сўнгра фаҳм эт надур маънию сурат”⁵ оқ ва қорани ажратиш, шакл ва мазмун моҳиятини англаш муҳимлигини таъкидлаган. Мутафаккир инсон, унинг руҳияти ва ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фалсафий-ирфоний ғояларни илгари сурилган “Ирфон”, “Чор унсур”, “Нукот”, “Тилсими ҳайрат”, “Тури маърифат”, “Муҳити аъзам” каби асарларида тасаввуфий ғояларни теран башарий ғоялар билан омухта этган.

Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди серқирра, бир файласуф шоирнинг тафаккури ва кечинмалари, Аллоҳга, оламга, инсонга, ҳаётга муносабати, халқнинг дарду ҳасрати, турмуш қийинчиликлари ва олий ҳақиқатларни ифодалаган ўзига хос мураккаб ва жозибали бадий олам бўлиб, унинг қарашлари Ўрта Осиё халқлари ижтимоий фикри ҳамда адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган. Бунинг сабаби, биринчидан, шоирнинг араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал билиши билан изоҳланса, иккинчидан, мутафаккирнинг Шарқ халқлари адабиёти, тасаввуф таълимотини чуқур ўзлаштиргани,

³ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедил. – Ташкент, 1957. – Б. 22.

⁴ Ваҳдат ул-вужуд وحدة الوجود - вужуд ваҳдати, вужуднинг бирлиги, Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш, яъни оламдаги барча нарсалар Аллоҳнинг тажаллийси, зухуроти, таҳайюл ва кўринишларидир. Унинг моҳияти завқ билан кашф этилиб, мушоҳада орқали англашилади. Худо ўзидан бутун борлиқни чиқаради, Худо ҳақиқий борлиқ бўлиб, қолган ҳамма нарсалар унинг шуъласи, нуридир.

⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Тошкент: Нашриёт матбаа ижодий ўйи, 2005. – 144 б.

учунчидан, юнон фалсафаси, жумладан, Арастуниг илмий меросини чукур ўргангани билан тавсифланади.

Мутафаккир қарашларидаги аниқлик, тизимли таҳлил, воқеа-ҳодисалар моҳиятига объектив, яъни холисона ёндашув диққатга сазоворки, унинг фикрича, дунё абадий, тўхтовсиз ҳаракатда ва ўзгаришда. Табиат ҳодисаларини табиатнинг ўзини ўрганиш йўли билан тушунтириш тўғри илмий хулоса беради.

Муаззам Шарқнинг мумтоз алломалари Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Ибн Арабий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маърифий, фалсафий-ирфоний қарашлари унинг издошлари, XVIII-XIX асрларда яшаган шоирлар ижодида “бедилона” қарашлар тимсолида акс этган. Амирий, Мунис, Нодира, Ҳазиний, Фазлий, Шоҳин, Ҳайрат, Шавқий, Комил Хоразмий каби шоирлар Бедилга тақлид қилиб, латиф ғазаллар битганлар, Мирзо Абдулқодир Бедил шеърларига муҳаммас боғлаганлар. Давраларда “Бедилхонлик” ўқишлари катта анъанага айланган⁶.

И.Мўминов мутафаккирнинг асарларини таҳлил қилиш жараёнида, Мирзо Абдулқодир Бедил дунёқарашига пантеизм ғоялари сингдирилган бўлса ҳам, унинг билиш масалаларига муносабати аҳамиятли эканини алоҳида таъкидлаган. Мирзо Абдулқодир Бедил фикрича, инсоннинг билиши чексиз. Билишнинг илк босқичи инсоннинг ташқи сезгилари билан боғланган. Бу босқич ҳид билиш (“шомма”), кўриш (“бинои”), таъм билиш (“соиқа”), эшитиш (“шунидани”), тана билан сезиш (“ломиса”) орқали амалга ошади. Ташқи олам ҳодисалари, жисм-моддаларнинг бу сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали инсонда сезги, тасаввур, фикр (хаёл) вужудга келади⁷.

Олам ҳодисаларининг ички моҳиятини чукур таҳлил этишга жонли мушоҳада ожизлик қилади, ақл бу муаммони ҳал қилади. Инсоннинг кадр-қиммати ақл-заковат арзига қулоқ тутиш, барча мушкул муаммоларни ақл мезони билан ҳал этишдадир⁸.

Мирзо Абдулқодир Бедил хинд фалсафасида етакчи ўринни эгаллаган “таносух” назариясини рад этади. Таносух руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги диний таълимот бўлиб, ўлган инсон руҳи янги туғилган инсон, ҳайвон ёки ўсимликда қайта жонланади, деган ақидага таянади. Ислом илоҳиётида таносух рад этилган.

“Беқарорлиғимдан ўз борлиғим селиман”, “Тупроғим ҳар заррасин жони бор”, “Муҳташамдир руҳим, дил деган вайрони бор” дея куйлаган шоир тақдир масаласига жиддий эътибор қаратиб, инсоннинг илоҳий хилқат эканлиги, шунга

⁶ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Ташкент, 1957. – С. 22.

⁷ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Ташкент, 1957. – С. 65.

⁸ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Ташкент, 1957. – С. 69.

кўра, умрни эзгу ишлар билан ўтказиши, ҳар хил расм-русум, беҳуда зоҳирий билимлар билан ўралашиб қолмасдан, ўз-ўзини англашга интилиш кераклигини “Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чанг пайдо”, Умр ўткинчидир, қолма бу сабоқдан беҳабар, ҳар лаҳзада бир варағини бу китоб, тўкар”⁹ деб уқтиради.

Мирзо Абдулқодир Бедил динлараро тортишувлар, бир динни иккинчи диндан устун қўйиш фойдасизлигини таъкидлаб, мазҳабпарастлик, ақидапарастлик “ақли ноқис ва номукамал кишиларнинг иши”¹⁰ деб ҳисоблаган.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бошқа суфий шоирлардан фарқи шунда кўринадики, у илоҳдан инсонга қараб эмас, балки инсондан илоҳга қараб боради, инсонда бутун оламлар хусусияти ва моҳиятини кўради. Мирзо Абдулқодир Бедил фикрича, жисмнинг озукаси овқат бўлса, руҳнинг озукаси илм ва ирфондир. Инсоннинг қудрати руҳдан, инсонийлик даражалари руҳнинг тараққиёт даражалари билан белгиланади.

Мутафаккир кишиларнинг табиатинигина эмас, балки ўзаро муносабатлар, ҳаёт зиддиятларини ҳам эътиборга олади. Кимнингки “ҳирсу ҳавасга кўзи тўймади, унинг гадо косасини тўлдирмоқ маҳол”. “Жаҳон талаб этган” мансаб, амал, мол-дунёга тузоқ қўйган бандалар ақл-заковатдан жудо, фаҳм-фаросатдан йироқдирлар, ҳақиқат, адолат, ҳаётнинг маъноси, яшашнинг мазмун-моҳиятини англамайдилар.

Шоир бу дунёдан воз кечиб, охиратга майл кўрсатган зоҳиднинг тўғри йўлда эмаслигини кўп танқид қилган. Шеърларида “олам соқолу салла масҳарабозлигидир”, “макрпарвоз зухдга риндона барҳам бергил” дея, кўр-кўроналик, шаклга махлиё бўлиш, боқимандалик ва ҳаракатсизликни танқид қилган.

Мирзо Абдулқодир Бедил инсоният тараққиётини ярим инсон, ярим ҳайвонга ўхшаш кишилар билан олға силжитиб бўлмаслиги, золим амалдорлар, хирсу ҳавас бандалари, ситамкор кишилар “наснослар” эканлиги, инсониятнинг бутун моҳияти ана шу насносликдан қутулиш ва илоҳийлик касб этишдадир дейди:

“То бувад мўмин ба ваъзи халқ бояд сохтан
Одамият пеш натвон бурд бо насносоҳо”.

(Ҳамиша халқ раъйига қараб иш тутишга ҳаракат қилиш лозимки, одамийликни одам шаклидаги ҳайвонлар – наснослар билан олдинга элтиб бўлмайди).

Мирзо Абдулқодир Бедил инсоннинг улуғлигини меҳнатда кўради, ҳунармандлар ишига таҳсинлар ўқийди, дангасалик ва текинхўрликни қоралаб,

⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Тошкент: Нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 44.

¹⁰ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедилы. – Ташкент, 1957. – С. 86-87.

ҳар бир киши фойдали меҳнат билан шуғулланиши кераклигини таъкидлайди. Ўз даврининг ҳурфикр мутафаккирлари каби Мирзо Абдулқодир Бедил ҳам халқнинг бахтли ҳаёти, гўзал турмуш тарзи ҳақида бош қотиради.

И.Мўминов Мирзо Абдулқодир Бедил меросининг ўзбек ва форс-тожик адабиётига таъсирини юқори баҳолаган ҳолда шоир ижодида асосий ўринни эгаллаган одамийлик, маърифатпарварлик, мурувват мавзулари Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Асирий ва бошқа шоирлар томонидан давом эттирилиб, зулм ва истибдод, золим амирлар, ҳасис бойлар, нодон ва ришвахўр руҳонийлар, чала муллалар нафрат билан танқид қилинганлигини қайд этган¹¹.

И.Мўминовнинг фалсафа тарихидаги буюк тарихий хизмати шуки, шўролар мафкураси тазйиқи ҳукм сурган қийин шароитда танқид ва таъқибларга қарамай, фалсафа тарихида салмоқли ўрин эгаллаган буюк шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг фалсафий меросини тадқиқ этишга жасорат кўрсатган. Олимнинг тадқиқотларида мустабид тузумнинг таъсири сезилса ҳам, мутафаккирнинг илмий-фалсафий меросини фалсафанинг ўта сиёсийлашуви, унинг ҳукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундириш хуружларини моҳирлик билан четлаб ўтишга муваффақ бўлган ва илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ўрганишда намуна кўрсатган.

Бугунги кунда барча Шарқ мутафаккирлари қадриятлари каби “бедилшунослик”ка кучли эҳтиёж туғилганки, мутафаккирнинг илмий меросини, фалсафа ва тасаввуфнинг тадқиқот объектини бирлаштириб, инсон муаммосини юқори кўтарган. Бундан Мирзо Абдулқодир Бедил ўз даврининг нодир кашфиётчиси, буюк “инсоншуносидир, деган хулоса яшаш ўринли. Мутафаккир илгари сурган бағрикенглик тамойили жамиятнинг бир бутун, яхлит система эканлиги ва унинг мавжудлиги, баркамоллиги, тараққиёти ҳар бир қисмининг тўғри ишлаши билан белгиланиши орқали тушунтириб берган. Ва ниҳоят, мутафаккир улуғлаган ахлоқий фазилатлар баркамол авлод шаклланишида кучли тарбия воситаси бўла олади.

¹¹ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедилы. – Б. 108.